

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 207 (1268), 2024 йил 12 октябрь, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



БУЮК АЖДОДЛАРНИНГ БОЙ МЕРОСИ ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ БИРОДАРЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК RIШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА УЛКАН МАЪНАВИЙ КЎПРИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан 10-11 октябрь кунлари амалий ташриф билан Ашхобод шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 11 октябрь кун Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг 300 йиллигига бағишланган “Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги — тинчлик ва тараққиёт асоси” мавзусидаги халқаро форумда иштирок этди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов раислигида ўтган тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садыр Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон, Эрон Ислам Республикаси Президенти Массуд Пезешкиён, Покистон Ислам Республикаси Президенти Осиф Али Зардари, Мўғулистон Президенти Уснаагийн Хуралсух, Арманистон Республикаси Президенти Ваагн Хачатурян, хоризжий давлатлар парламентлари раҳбарлари ва юқори мартабали вакиллари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар бошлиқлари ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида форумнинг ўтказилиши халқларимиз ўртасидаги биродарлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш, мамлакатларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, бой маънавий меросимизни бутун дунёга тарғиб қилиш йўлида улкан амалий қадам бўлишини таъкидлади.

Махтумқули Фирогийнинг ижодий мероси нафақат Шарқ мумтоз шеърятини, балки жаҳон адабиётини ҳам бойитганлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда Махтумқули ижоди юксак қадрланади. Шоир Хива шаҳридаги Шерғозихон мадрасида таҳсил олиб, дунёвий ва диний илмларни ўрганган. У буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийни чуқур ҳурмат қилган.

Жорий йилда Ўзбекистонда Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллиги кенг нишонланаётгани таъкидланди. Анжуман, семинар, адабий кеча, танлов, спектакллар ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбек ва туркман киноижодкорлари томонидан шоир

ҳақида ҳамкорликда бадиий фильм суратта олинди.

Ўзбекистон етакчиси Туркменистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” доирасида келгуси йили Ашхобод шаҳрида глобал саммит ўтказилишини қўллаб-қувватлади.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов Ўзбекистон Президентига мазмунли нутқ ҳамда Махтумқули Фирогий хотирасини абадийлаштириш борасида юртимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар учун миннатдорлик билдирди.

Тадбир ниятида форумнинг якуний хужжати қабул қилинди.

Шоир ва мутафаккир Махтумқули Фирогий юбилейга бағишланган халқаро форум якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси

Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбарига “Махтумқули Фирогийнинг 300 йиллиги” эсдалик медалини тантанали равишда топширди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ашхобод шаҳрига ташрифи доирасида Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни шоир ва мутафаккир Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган халқаро форум юксак даражада ўтказилгани билан самимий муборакбод этди.

Сўхбатда Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, кўп қиррали ҳамкорликни, айниқса, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда чуқурлаштириш масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзаро товар айирбошлаш жадал ўсаётгани, биргаликда чегараолди савдо ҳудуди

барпо этилаётгани, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик кучайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Фаол ҳудудлараро, ишбилармонлик ва маданий-гуманитар алмашинув доирасидаги тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари минтақавий ва халқаро кун тартибидagi долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Бўлажак олий даражадаги мулоқотлар режаси ҳам муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Туркман халқининг миллий етакчиси Махтумқулининг ўзбек тилида нашр этилган танланган асарлари тўпламини совға қилди.

Халқаро форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Эрон Ислам Республикаси Президенти Массуд Пезешкиён билан ҳам учрашди.

Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада

ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражалардаги фаол алоқалар ва самарали алмашинувлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳамжиҳати ва қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда.

Давлат раҳбарлари кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва тезкор амалга ошириш, Имтиёзли савдо битими доирасидаги маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Эрон етакчилари халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташрифи якунланди.

Аэропортда давлатимиз раҳбарини Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов кузатиб қўйди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШОИР ВА МУТАФАККИР МАХТУМҚУЛИ ФИРОГИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ФОРУМДАГИ НУТҚИ

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Гўзал Ашхобод шаҳрида “Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги — тинчлик ва тараққиёт асоси” мавзусида ўтаётган халқаро тадбирнинг барча қатнашчиларини чин қалбимдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Анъанавий дўстона қабул ва ушбу ажойиб тадбирни юксак даражада ташкил этгани учун Туркменистон Президенти, хурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимухамедовга ҳамда Туркменистон халқининг Миллий лидери, Халқ Маслаҳати Раиси, қадрли биродарим Гурбангули Малиқтулиевич Бердимухамедовга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азалий қадрият ва анъаналар тобора заволи топиб бораётган бугунги нотинч ва мураккаб дунёда Туркменистон раҳбарияти адабиёт ва маърифатни давлат сиёсати даражасига кўтариб, уни халқаро муносабатларда тинчликпарвар ва дўстона мулоқот воситасига айлантираётганини алоҳида эътироф этишни истар эдим.

Бугунги конференциямиз халқларимиз ўртасидаги биродарлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш, мамлакатларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, бой маънавий меросимизни бутун дунёга тарғиб қилиш йўлида улкан амалий қадам бўлиши шубҳасиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Қўхна Туркменистон қўллаб буюк инсонлар, аллома ва шоирларга бешик бўлган мўътабар диёрдир. Бу ҳақда сўз юритганда, туркман халқининг улуг фарзандлари — Озодий, Андалиб, Шайдоий, Ғойибий, Мулланафас каби бетакрор мутафаккир ва алломаларни эсга олишимиз табиий, албатта.

Улар орасида туркман халқининг беназир фарзанди, дурдона асарлари билан инсоният тафаккурини бойитган Махтумқули Фирогий ижоди нафақат Шарқ, балки жаҳон адабиётини алоҳида ўринга эгадир.

Улуг гуманист шоирнинг ўлмас адабий мероси асрлар давомида умуминсоний қадриятлар билан уйғун бўлиб, тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат ва қардошлик каби олижаноб фазилатларни улуглаб келмоқда.

Қўтлуг 300 йиллик таваллуд айёми ЮНЕСКО раҳнамолигида халқаро миқёсда нишонланаётган буюк шоир асарларининг туб моҳиятида “Дунёвий яхшилик, дўстлик, ҳамкорлик, меҳр-шафқат ва инсонийлик кутқаради”, деган эзгу ғоя мужжасам.

Шу маънода, кимки туркман халқининг қалбини, юрагини англамоқчи бўлса, туркман элига хос азму шижоат, дўстга садоқат каби юксак фазилатлар манбани билмоқчи бўлса, албатта, Махтумқули шеърятини баҳраманд бўлиши керак.

Махтумқули ўзбек халқи учун ҳам ғоят ардоқли ва суюкли сиймо экани билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Ул зот Хивадаги Шерғозихон мадрасида таҳсил олган, дунёвий ва диний илмларни чуқур ўрганган. Айни вақтда у буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ижодини юксак қадрлагани ҳам муштарак тарихимиз саҳифалари орқали яхши маълум.

Бугунги кунда ўлкамизда Махтумқулининг дилбар шеърлари ва қўшиқлари доимо янграб, қалбларимизда яшаб келмоқда. Ҳеч шубҳасиз, унинг боқий асарлари азалдан бир-бирига қардош ва елкадош бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида юртимизда алоҳида қарор қабул қилинди. Ушбу санага бағишлаб адабий кечалар, танловлар, илмий анжуман ва семинарлар ўтказилмоқда. Театрларимизда шоир ҳақида спектакллар қўйилиб, ўзбек ва туркман кино усталари ҳамкорлигида бадиий фильм суратга олинди.

Бугун Тошкент шаҳри ва ҳудудларимиздаги ўнлаб кўча ва хибонлар Махтумқули номи билан аталади. Тошкент ва Хива шаҳарларида бу улуг сиймо хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуалари табаррук зиёратгоҳларга айланган.

Айни вақтда биз Туркменистонда ҳам ўзбек халқига, унинг маданияти ва санъати, миллий қадриятларига катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганини юксак баҳолаймиз.

Хурматли дўстлар!

Бугун Туркменистон раҳбарияти ташаббуси ва ғояси асосида маҳобатли Махтумқули Фирогий мемориал мажмуаси барпо этилгани барчамизни чекиз қувонтиради. Бу муаззам маскан қардош туркман элига хос доншмандлик ва бағрикенглик, юксак маърифатпарварликнинг ёрқин тимсолига айланмоқда.

Ана шундай оқилона сиёсат ўтган 30 йил давомида ижобий бетарафлик мақомига эга Туркменистоннинг давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида эришган мислсиз ютуқларидан ўз ифодасини топмоқда.

Биз қардош Туркменистон раҳбариятининг ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан келгуси йилнинг “Халқаро тинчлик ва ишонч йили”, деб эълон қилинган ҳамда бу борада ўзига хос глобал мулоқот платформаси яратилаётганини олқишлаймиз. Жумладан, келгуси йили декабрь ойида Ашхободда бўлиб ўтадиган халқаро саммит бу хайрли йўлдаги улкан воқеа бўлади, деб ишонамиз ва туркман биродарларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

Азиз дўстлар! Махтумқули Фирогий бир пайтлар: “Хизр кезган чўлда эл хуррам бўлсин, Юртимиз биноси мустаҳкам бўлсин”, деб эзгу ният қилган эди.

Она Ватанини чин фарзандлик меҳри билан севган, унинг ёруғ истиқбол учун курашган, Ҳақ ва адолат куйчиси Махтумқули Фирогийнинг орзу-умид ва армонлари бугун тўла рўёбга чиқмоқда. Қардош Туркменистон жадал ривожланиб, мамлакатда ободлик ва фаровонлик, давлатнинг халқаро обрў-эътибори тобора юксалиб бораётгани дўст Ўзбекистон халқини ҳам беҳад мамнун этмоқда.

Сўзимнинг якунида тилагим шуки, дунёга Махтумқули Фирогий каби буюк зотларни берган туркман дёри доимо гуллаб-яшнасин!

Халқларимиз тинч-тотув, азалий дўстлигимиз боқий бўлсин!

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТАБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ



Мазкур мақола Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.

3-бетга қаранг.

ГАЗ ИСТЕЪМОЛИДАГИ ИЖТИМОИЙ НОРМА

иситиш мавсумида 100 куб метрдан 500 куб метрга чиқарилади

Шу кунларда ижтимоий тармоқларда яна ижтимоий норма, сўзлашув тилида айтганда, “лимит” масаласи ўртага чиқмоқда. Фақат бу гал электр истеъмолдаги 200 киловатт эмас, балки табиий газ истеъмоли учун белгиланган 100 куб метр норма муҳокамалар марказида. Кунлар анча салқинлаб, иситиш мавсуми яқинлашгани сари айни масалада саволлар кўпайган.

Иссиқ кунларда газдан фойдаланишга у қадар эҳтиёжи бўлмаган аҳоли охириги вақтлар 100 куб метр нормадан ортиқ ишлатаётгани ва бунинг учун кўпроқ тўлов қилаётгани, бундай базавий меъёр билан ҳали қишни қандай ўтказишдан хавотирда эканини ёзаяпти. Ўзаро мулоқотларда баъзилар бундай норма белгиланганидан мутлақо беҳабар эканини айтса, бошқалар ҳозирги “лимит” совуқ мавсумда

300 ёки 500 куб метргача ошиши ҳақида маълумотлар борлигини таъкидламоқда. “Чирокқа лимит қўйилган вақтда газники ҳам эълон қилинган эди-ку! Ёз ойлари учун 100 куб, қишда эса 300 куб метр эди, адашмасам”, деб эзди ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан бири.

Давоми 4-бетда

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Жамиятда Конституция ва қонун устуворлиги таъминланганлиги, шунингдек, фаолияти шахс, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ва адолатли ҳимоя қилишга йўналтирилган одил судловнинг мавжудлиги ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Шу боис, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланган ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояланган ҳуқуқий давлат қуришни бош мақсади сифатида эътироф этиб, бу борада, энг аввало, жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли ва мустақил суд тизимини яратиш орқали фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашни устувор вазифа сифатида қайд этади.

Шу жиҳатдан, партия инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлигини тан олиб, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида келгуси беш йиллик фаолияти учун стратегик ҳужжат вазифасини ўтайдиган ўз Сайловолди дастурида муҳим гоя ва ташаббусларни, уларни самарали амалга оширишга қаратилган қатор вазифаларни тақлиф этмоқда.

Одил судловни таъминлаш йўлидаги муҳим ташаббуслар

Таъкидлаш керакки, партияимиз қонунларни ижро этиш жараёнида уларга нисбатан ҳар қандай формал муносабатда бўлиш ва бунинг натижасида адолатга путур етказиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилайди. Қонунларни самарали ижро этиш ва адолатли таъминлаш эса ҳуқуқий-демократик давлатнинг зарурий шарти ҳисобланган адолатли, мустақил одил судлов фаолиятига бориб тақалади.

Шундан келиб чиқиб, партия ҳуқуқий давлат барпо этишда, энг аввало, адолатли ва мустақил суд тизимини яратишни мақсад қилган. Бу борадаги энг муҳим ташаббусларимиздан бири судьялар сонини кўпайтириш ва уларнинг ихтисослашувини кенгайтириш ҳисобланади.

Бугунги кунда айрим ҳолларда судьянинг ўртача иш ҳажми бир неча юзлаб суд ишлари ва материалларни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, судлар томонидан ишларни кўриш муддатига ва сифатига салбий таъсир ўтказмоқда.

Статистик рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2023 йил давомида жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судида 58 418 та жиноят иши, 900 966 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилган. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар 943 892 та, иқтисодий судлар 271 748 та ишнинг кўриб чиққан.

Бунинг натижасида жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судининг бир судьяси бир ойда ўртача 200 га яқин ишни, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг судьяси 300 га яқин, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судининг судьяси эса 200 га яқин ишни кўриб чиқишига тўғри келмоқда.

Хорижий давлатлар таърибига эътибор қаратадиган бўлсак, бир судья бир ойда АҚШда ўртача 40 та, Канадада 50 та, Японияда 10 та, Германияда 15 та ва Буюк Британияда 20 та иш кўради.

Хозирда шиддат билан ўзгариб бораётган замонда айрим тоифадаги ишлар борки, судьялардан мазкур ишларни ҳал қилишда нафақат чуқур юридик билимларни, балки бошқа соҳалар бўйича қўниқмаларни ҳам талаб этади. Масалан, интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича судья бўлиш учун юқори малакали ҳуқуқшунос бўлишининг ўзи камлик қилади, техника, рақамли технологиялар соҳалари бўйича ҳам билимлар керак бўлади.

Шу боис, судьялар ресурсини оқилона фойдаланиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлар

сансоларлигининг олдини олиш учун судьяларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда меҳнат, солиқ, молия, интеллектуал мулк, воёга етмаганлар ҳуқуқлари оид йўналишлар мураккаблигига кўра ихтисослашувни талаб этади. Агар хорижий таърибга қарадиган бўлса, меҳнат судлари Германия, Францияда, интеллектуал судлар Япония, Жанубий Кореяда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирда энг долзарб бўлган соҳалар, яъни меҳнат, солиқ, молия, интеллектуал мулк, воёга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича судьялар ихтисослашувини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда ҳам Ўзбекистон Экологик партиясининг Сайловолди дастурида илгари сурилган экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ва жиноий ишларни кўриб чиқиш бўйича ихтисослашган судларни ташкил этиш бўйича судларнинг ихтисослашувига оид тақлифни асосли деб ҳисобламаймиз. Чунки шундоқ ҳам мамлакатимизда мазкур соҳадан-да муҳим бўлган судлар ихтисослашув йўналишлари мавжуд. Тўғри, агроф-муҳит ва экология энг муҳим соҳа, лекин бу алоҳида судлар ихтисослашувига эҳтиёж мавжуд дегани эмас. Аввало, ихтисослашув талаб қилинадиган соҳаларни судьяларнинг ихтисослашувидан бошлаш керак.

Партияимиз томонидан илгари суриляётган ҳар бир тўғри ва шаҳарда фуқаролик ишлари бўйича судларни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунинг қўйидаги асослаш мумкин:

Биринчидан, айрим туманларда ташкил этилган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар бошқа туман аҳолисига анча ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Мисол учун, Жиззах вилоятида ташкил этилган фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига Мирзачўл ва Арнасай туманлари аҳолиси ҳам фуқаролик ишлари юзасидан мурожаат қилади. Шу боис, ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларнинг иш ҳажми жуда катта. Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро суди бир йилда ўртача 10 мингта яқин иш кўрган бўлса, ўртача 4 мингта яқини Бухоро тумани билан боғлиқ қолган қисми эса Бухоро шаҳри билан боғлиқ фуқаролик ишларини ташкил этади. Ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаровий низолар сони салмоқлидир.

Шу билан бирга, партияимиз томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ортқица сарсонгарчилигининг олдини олиш мақсадида давлат органи ва улар мансабдор шахсларнинг қарори ва хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан маъмурий судга шикоят қилишда низоларни судгача ҳал қилиш тартибининг жорий қилиш, шунингдек, маъмурий суд ишларини юртишда дастлабки эшитув тартибининг йўлга қўйиш тақлифи ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дастлабки эшитув босқичи демократик ва мақбул институт бўлиб, унинг жорий этилиши маъмурий суд ишларини юртиш учун конструктив ечим бўла олади.

Жаҳон амалиётида (АҚШ, Германия) кенг қўлланиляётган дастлабки эшитувнинг самарали ва ижобий жиҳатларидан бири аризнани иш юртишга қабул қилишда тарафларнинг тортишуви принципини амал қилинишига ва юқориде баён этилган шароитда судья тарафларнинг фикрларини эшитиши ва инобатта олиши, агар эътирозлар бўлса, у ўз ажримиде асослаб бериш имконини беради.

Шунингдек, дастлабки эшитув институти тумонларга ҳам асосий суд муҳожамасига

яхшироқ тайёргарлик кўриш имконини беради. Хусусан, тумонлар зарур ҳужжатларни ва далилларни олдиндан тайёрлашлари мумкинлиги, иш юзасидан ўз позициясини аниқроқ ва тизимли равишда асослаш имкониятини тақдим этади.

Шу нуқтаи назардан, маъмурий суд ишларини юртишда дастлабки эшитув тартиби муайян иш бўйича муҳим далилларни эрта аниқлаш орқали ишнинг ҳар томонлама баҳолашга ёрдам беради. Бу эса суд қарорларининг янада асосли ва адолатли қабул қилинишига замин яратяди ва ўз навбатида, фуқароларнинг суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Шу билан бир қаторда, маъмурий судга шикоят қилишда низоларни судгача ҳал қилиш тартибининг жорий қилиш ташаббуси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, низоларни муносиб ва муқобил ҳал қилиш борасида қатор имкониятларни беради.

Аввало, юқориде қайд этилганидек, судьяларнинг иш юкламаси катталиги ишни сифатли, ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқишига таъсир қилиши мумкин. Бундан ташқари, низоларни муқобил ҳал қилиш, хусусан, судгача низоларни турли механизмлар асосида ҳал қилиш



тенденцияси жаҳон амалиётида ҳам, миллий қонунийчилигимизда ҳам ўзининг ижобий жиҳатларини намоян этмоқда. Бу, ўз навбатида, тарафлар учун ҳам қатор энгиликларни назарда тутиб, ўзлари учун мақбул ечимларга келиш имкониятини ҳам беради.

Албатта, мазкур ташаббус фуқаролар учун ҳам бир қатор қўлайликларга эга. Жумладан, судгача низоли ҳал қилишда суд ҳаракатлари ва давлат божиининг мавжуд эмаслиги фуқароларнинг ортқица сарф-ҳаражати қилишининг олдини олишга, низоларни тезкорлик билан ҳал этиш асосида манфаатдор шахслар вақти тежаллишига имкон яратяди.

Маъмурий ишларни кўриб чиқишда мазкур институтнинг жорий этилиши судлар юкламасини камайтиришга, харажатлар оптималлаштиришга, низоларни ҳал қилиш жараёни тезлаштиришга, асосли қарорлар қабул қилинишига, бир сўз билан айтганда, суд-ҳуқуқ тизимининг янада самарали фаолият юртишига хизмат қилади.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш

Болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу

борада воёга етмаганларга нисбатан юртиляётган одил судловнинг умумэтироф этилган халқаро стандартларини мамлакатимизда кенг жорий этиш, унинг ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, партия томонидан билдирилган ювенал адлия тизимини йўлга қўйиш ҳамда боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ташаббуслар мазкур масалалар ечимига қаратилган илгор ташаббуслардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мазкур ювенал адлия тизими 60 дан ортқи хорижий давлатларда кенг қўлланилмоқда. Масалан, Францияда ювенал адлия тизими воёга етмаганлар ишлари бўйича суд инстанцияси сифатида жорий қилинган бўлиб, ўз навбатида, ушбу инстанция мазкур соҳада мутлақ ваколатларга эга бўлган махсус органлар ҳисобланади.

Японияда ювенал адлия органи сифатида оилавий судларнинг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар воёга етмаганларга нисбатан юртилядиган барча ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга. Польшада ҳам оилавий судлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг асосий вазифаси оила ва болани ҳимоя қилиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ҳамда бевосита уларнинг тарбияси билан шугулланиш ҳисобланади.

Партия мамлакатимизда ювенал адлия тизимини йўлга қўйиш учун ушбу соҳада тизимли ишлар амалга оширилиши керак деб ҳисоблайди. Бу борада соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва самарали йўлга қўйиш учун болаларнинг одил судловдан фойдаланиш имкониятини янада такомиллаштириш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш тақлиф этилади.

Умуман олганда, мазкур тизимни жорий этиш мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу борада одил судлов механизмларини кенг жорий этиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш кечиктириш бўлмас вазифа

Сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида кўп қатор чора-тадбирлар кўрилишига қарамайдан, айрим ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ қоидабузарликлар содир этилиши давом этмоқда.

“Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида илгари сурилган барча ташаббусларни ҳаётга изчил татбиқ этиш ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлашга, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга хизмат қилади.

қоидаларига сўзсиз амал қилиш борасида кўтилган натижаларни бермайди.

Шу боис, бу борада аниқ механизмларни, хусусан, таъсирли жазо чораларини кучайтириш заруратидан келиб чиқиб, партия ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини мунтазам бузганлик учун қонун ҳужжатларида жазо чораларини кучайтириш, шу жумладан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ёки оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолатларда умрбод ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ташаббусини илгари суришмоқда.

Бу борада дунё таърибига назар солсак, АҚШда ҳар бир штадта тезликни оширганлик учун алоҳида қонунлар мавжуд бўлиб, балли тизим ҳолатида кўп бора маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилса, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади. Буюк Британияда ҳайдовчи тезлигини ошириганда, 3 балдан 6 баллга баҳоланади. Микдор ошиб кетса, судга қақрилади.

Айрим давлатларда маст ҳайдовчиларга жиноий жавобгарлик қўлланади. Мисол учун, Россияда маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлик учун 2 йилгача ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан жазоланади. Буюк Британияда рулга маст ҳолда ўтирган ҳайдовчи илк қондабузарлик учун 6 ой қамқоқ жазосига ҳукм қилинади, у, шунингдек, 5 минг фунт-стерлинг жарима тўлаб, ҳайдовчилик ҳуқуқидан 3 йилгача маҳрум этилади. Германияда ҳайдовчининг қонида аниқланган

салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим тақлифларни илгари суришмоқда.

Хусусан, очкилик ва шаффофликни таъминлаш, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мақомини кенгайтириш ва уни коррупцияга қарши ягона давлат сиёсатини юртишуви органига айлантириш каби тақлифларни шулар жумласидан.

Шу ўринда айтишимиз жоизки, назаримизда, нодавлат ноижорат ташкилотларини коррупцияга қарши курашиш жараёнида жалб этишни ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг тақлифи мазкур муаммони ҳал қилишнинг самарали ечими эмас.

Таъкидлаш лозимки, фақатгина махсус ваколатлар ва уларни амалга ошириш учун тегишли ташкилий-ҳуқуқий дастлақларга эга бўлган давлат органигана коррупцияга қарши самарали курашиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, биз Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мақомини кенгайтириш ва уни коррупцияга қарши ягона давлат сиёсатини юртишуви органига айлантириш тақлифини илгари суришмиз.

Шу билан бирга, партияимиз илгор хорижий давлатлар таърибига асосида коррупция фактларини “дастлабки ўрганиш” (коррупцион суриштирув) институтини жорий этишни мақсад қилган. Шу ўринда савол туғилади. Ҳўш, коррупция фактларини “дастлабки ўрганиш” (коррупцион суриштирув) механизми қандай ишлайди, унинг аҳамияти нимада?

Коррупцион суриштирув коррупция ҳолатларини текшириш ва уларни тасдиқлаш ёки рад этиш учун маълумот тўплашдан иборат бўлган, тегишли субъектлар томонидан ваколат доирасида ҳолатни таъкидлаш, коррупциянинг барвақт олдини олишга қаратилган чора-тадбир ҳисобланади. Бошқача айтганда, коррупцион суриштирув ҳолат юз беришдан олдин текшириш-ўрганиш асосида олиб бориладиган превентив чора саналади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга ошириляётган ислохотларда жазолаш ёки оқибатлари билан курашиш эмас, олдини олиш ва барвақт аниқлашга қаратилган превентив чораларни қўллашга катта аҳамият берилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцион суриштирув институтининг самарали амал қилиниши таъминлаш, ўз навбатида, ҳуқуқий ислохотларнинг давом эттириши ҳам талаб этади. Хусусан, дастлабки ўрганиш, коррупцион суриштирувни амалга оширадиган субъектлар топфасини, уларнинг ваколат ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари чегарасини аниқ белгилаш лозим бўлади.

Шу сабабли мамлакатимизда ҳам мазкур институтининг ҳуқуқий тизимга киритилиши коррупцион фактларни барвақт аниқлаш ва олдини олишга, давлат органига фаолиятида шаффофликни ошириб, уларнинг самарадорлигига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида илгари сурилган барча ташаббусларни ҳаётга изчил татбиқ этиш ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлашга, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга ёрдам беради.

Ишонимизки, партияимизнинг бундай эзгу мақсадлари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади!

Адолатли жамиятни биргаликда қураимиз!

Дилмурод ИСМАИЛОВ,
Надира РАШИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатилик номзодлар

Нуқтаи назар

Реклама кундалик ҳаётимизни тўлиқ қамраб олган, мунтазам дуч келадиган ижтимоий-психологик воқеаликка айланган. Газета-журнал, телевидение, радио, ижтимоий тармоқлар, кўчалардаги баннер, плакатлар, хуллас, кўзга ташланадиган жойнинг деярли ҳаммаси реклама билан қамраб олинган. Демак, истасак-истамасак, мунтазам реклама таъсирида юрамиз. Улар инсоннинг кўпга ҳошиш ва ҳаракатларини гайришуурий тарзда назорат қилади, аниқроғи, йўналтиради.



Рустам БОЙТЎРА, журналист

Биламизки, рекламанинг вазифаси муайян объект (маҳсулот ёки хизмат тури)га омма эътиборини жалб этиб, уни сотиш орқали даромадни кўпайтиришга қаратилган бўлади. Унинг инсон саломатлиги ва руҳияти, маънавиятига, онг остига таъсири жуда катта, дея таъкидлайди психологлар. Жумладан, дунё тиббиёти мутахассислари кино, ток-шоу, турли кўрсатув ва эшиттиришлар орасида рекламалар қўйилишини "мия фаолиятини тормоз жараёни билан қийноққа солиш" деб ҳам баҳолаган. Хўш, нега бу мавзуда сўз юритишни мақсад қилдик? Сабаби реклама факат моддий манфаат кўриш учун хизмат қилмайди. Унинг кўпчилик тез англай олмайдиган руҳий-психологик таъсири ҳам бор. Шу маънода, реклама биргина бизнес воситаси эмас. Олимлар инсон ахлоқи, маънавияти ва руҳиятига рекламалар жиддий таъсир кўрсатиши ҳақида тадқиқотлар олиб бориб, илмий асарлар яратётгани ҳам бежиз эмас.

Деярли барча мамлакатларда реклама тайёрлаш, жойлаштириш ва тарқатиш соҳасидagi муносабатларни тартибга солиш мақсадида тегишли қонун мавжуд. Жумладан, мамлакатимизда ҳам 2022 йили "Реклама тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Ҳар қандай қонун, аввало, мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш, аҳолига моддий ва маънавий зарар етишининг олдини олишга қаратилган бўлади. Бунинг учун нималар мумкин ёки мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилади. "Реклама тўғрисида"ги қонунда ҳам қатор чеклов ва тақиқлар белгилаб қўйилган. Бу, биринчи навбатда, вояга етмагандар билан боғлиқ. Масаланнинг шу нуқтасига алоҳида ургу берётганимизнинг сабаби бор.

Болага қувонч ва бахтни сотиб олиб берса бўладими?

Реклама болаларнинг ҳали мустақкам шаклланимаган онги, соғлиғига ноқўй таъсир кўрсатиши мумкин. Сабаби болалар рекламанинг аширин қирраларини таҳлил қилиш ва англашга қодир бўлмайди. Улар доим янги таассурот ва истакларга мойил. Одатда реклама берувчилар бундан ўз манфаати учун фойдаланишга интилади. Болалар реклама оқимини ўйламасдан, гайришуурий равишда қабул қилаверади. Айтганлик, болалар учун мўлжалланган моддий ашёлар — ширинлик, ўйинчоқ, кийим-кечак кабилар кўпинча жаҳон киноси ва мультфильмларида қаҳрамонлар ёки дунёга машҳур кишилар сурати, сўзлари билан реклама қилинади. Хали тўлиқ шаклланимаган бола онги улари мурғак тасаввур, ҳавас билан қабул қилади. Баъзан "Шуларни олсанг, ундок бўлиб кетасан, бундоқ бўлиб кетасан, супермерчага айланасан" мазмунда тарғиб қилинади.

Айрим рекламалар таъсири кўпинча миллий қадриятлар, ижтимоий меъёр ва идеаллар инқирозига олиб боради. Турли тасвир ва ёзув, видеоролик номақбул ахлоқни рағбатлантириши ҳам мумкин. Масалан, кичик ёшли фарзандингиз билан бозор ёки дўконга бордингиз. У рекламаларда тўхтовсиз тарғиб қилинган буюмга кўзи тушади ва шу заҳоти сиздан уни ҳозироқ олиб беришингизни сўрайди. Бошқа сафар олиб берман, дейишингиз унга сира қор қилмайди. Рекламанинг тўхтовсиз таъсири болаларда ўзи билмаган ҳолда сабр-тоқат, ота-онага қулоқ тутиш кабиларни сўндириб бориш эҳтимоли катта.

Бундан ташқари, рекламада фойдаланиладиган ёзув ва тасвирлар болалар дунёқараши, уларда миллий қадриятлар шаклланишига ижобий ёхуд акс таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Ҳақиқатда рекламада нималар қандай айтилаётгани, кўрсатилаётгани муҳим аҳамият касб этади. Ёдингизда бўлса, бир пайтлар мактаб ўқувчилари фойдаланадиган ўқув қуроллари — портфельдан тортиб, кундалик дафтар, альбом, дафтар кабилар хорижий фильм ва мультфильмлар қаҳрамони суратлари билан безатилиб, камига "сенинг дўстингман, мендек бўл, ортимдан юр" мазмундаги ёзувлар билан сотувга чиқарилади. Бу ҳолат оммавий ахборот воситаларида кўп танқидга учради ва юртимизда ишлаб чиқариладиган кўпгина ўқув қуроллари, айниқса, дафтар ва альбомлар муқоваси билмига ундовчи ҳикматлар, халқимизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари сурати билан безатиладиган бўлди.

Шу ўринда қонунга кўра, нималар тақиқланганига эътибор қаратиб, базиларини келтириб ўтамиз. Булар: миллий ва оилавий анъаналарга, шунингдек, ахлоқ ва маънавиятнинг умумқабул қилинган нормаларига зид бўлган шакллар, иборалар ва образлардан фойдаланиш; тамаки маҳсулотлари ҳамда тамаки ва никотин истеъмол қилиш мосламаларини реклама қилиш; вояга етмагандар олиши ёки

Шубҳасиз, реклама болалар психологиясида алоҳида ўрин тутди. "Уларни, биринчи навбатда, реклама мазмун-моҳияти эмас, экрандаги ёрқин образлар жўшқинлиги ўзига жалб этади. — деб ёзади россиялик олима О.Мустафина "Рекламанинг болалар ва ўсмирлар руҳий ҳолатига таъсири" номли илмий ишида. — Ахборот оқимини болалар гайришуурий тарзда қабул қилаверади. Муайян объектга диққатни узоқ вақт жамлаш инсондан зўриқиш талаб қилади. Эқрандан тарқалаётган нур, ёрқин тасвирларнинг сонияларда ўзгариб туриши — булар бари боланинг кўзи, юрак ва мия фаолиятига таъсир кўрсатади. Ҳаракатдаги реклама роликлариди образларнинг катта тезликда ва қайта-қайта ўзгариб туриши эътиборини жамлаш қобилиятини сусайтиради..."

Эътибор берган бўлсангиз, реклама қилинаётган маҳсулот истеъмолчиси сифатида кўпинча кучли, омадли, машҳур кишилар қиёфасидан фойдаланилади. Болалар ва ўсмирлар эса бундай кишиларга ўхшагиси келганидан тақлид қила бошлайди. Қимбат ҳақиқатлар, дабдабали буюм ва жиҳозлар рекламаси молиявий аҳоли турлича оилалардаги болалар ва ўсмирларда нотўғри тушуначалар пайдо бўлишига олиб келади. Яъни истак билан имконият мос бўлмаган ҳолатда улар ота-оналаридан ўша нарсаларни сотиб олиб беришни талаб қилиши мумкин. Ўз навбатида, ушбу талаб қаноатлантирилмаслиги ўртадаги муносабатларни чигаллаштиради.

Дори-дармон ҳақида

Рекламанинг ўта муҳим яна бир жиҳати дори-дармонлар билан боғлиқ. Чунки улар саломатлигимизга тааллуқли. Турли шакл ва мазмунга (ёзув, тасвир, хатти-ҳаракат) эга рекламадаги ҳар бир сўз, ҳар бир гап хал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Рекламага дастлабқ талабардан бири бежиз қонуний, адолатли ва ишончли бўлиши керак, деб таъкидланмаган. Этика йўналишидаги тадқиқотчилар бу борада яқдил



истеъмол қилиши тақиқланган товарларни вояга етмагандар учун мўлжалланган телеканаллар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда реклама қилиш ва ҳоказо. Ҳар қандай реклама бизни қуршаб олган афро-муҳитга муносабатимиз шаклланишига ҳам кучли таъсир кўрсатади. Мазкур соҳада илмий иш қилган мутахассислар фикрича, реклама самарали бўлиши учун кўпроқ психологиядаги тажриба ва билмига таянилади. Бунда хатто "реклама психологияси" деган атама мавжуд. Оддий хабар ёки маълумотдан фарқли ўлароқ, рекламада истеъмолчида бирор маҳсулот ёки хизматга кучли қизиқиш уйғота олиш мақсад қилинади.

фикрда: реклама қилинаётган маҳсулот истеъмолчининг алдамаслиги, нотўғри тушуноча ёки тасаввур уйғотмаслиги керак. Бу кўпроқ ижтимоий тармоқлардаги рекламаларга тегишли. Товарда йўқ хусусиятини мавжуд деб ёлгон айтганлик учун жавобгарлик бор. Масалан, даволаш хусусиятига эга бўлмаган биологик фаол қўшимчаларни қатор касалликларни даволайди, деган мазмунда реклама қилиб бўлмайди. "Реклама тўғрисида"ги қонуннинг 35-моддасида, жумладан, бундай дейилади: "Овқатга қўшилинадиган биологик фаол қўшимчаларнинг ва озик-овқат қўшимчаларининг рекламаси:



— улар дори воситалари ҳисобланади ва (ёки) даволаш хоссаларига эга деган таассуротни уйғотмаслиги; — уларни қўллаш натижасида одамлар даволанганлигига, уларнинг аҳоли яхшиланганлигига доир муайян ҳолатларга ҳавола-ларни ўз ичига олмаслиги; — уларнинг қўлланганлиги муносабати билан жисмоний шахслар томонидан билдирилган миннатдорчилик ихроқини ўз ичига олмаслиги; — соғлом овқатланишни рад этишга ундамаслиги..." керак ва ҳоказо. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги изоҳига кўра, биологик фаол озукавий қўшимчалар парҳезимиз меърида бўлишини таъминлаш учун зарур бўлган бирикмалар мажмуи, бошқача айтганда, даволовчи дори-дармон эмас. Ижтимоий тармоқларда эса кўп ҳолларда улар қатор касалликларга даво бўлади деб изоҳланади.

Бундан ташқари, ҳар қандай дори-дармоннинг ақс таъсири ҳақида, албатта, маълумот, изоҳ берилиши керак (дори-дармонларда сотилаётган дори-дармонлар қутисидида кўрсатишга каби). Айрим дори-дармонлар рекламасида "шифкорлар тавсия қиладики", "мутахассислар таъкидлашчи" каби иборалар қўлланади. Илмий жиҳатдан айтилишига уриини айтилаётган маълумотлар уларни ишончли деб қабул қилиш эффектини беради. Лекин маълумотлар бузиб, нотўғри кўрсатилса, психологик манипуляция деб баҳо-ланиши мумкин.

Қолаверса, қонунга мувофиқ, миллий ва оилавий анъаналарга зид образлар, машҳурлар ва тиббиёт ходимлари сиймосидан фойдаланиш тақиқланади. Реклама ҳалол рақобат тушуначасининг ажралмас қисми бўлиб, бизнес этикасида катта аҳамиятга эга.

Ижтимоий реклама

Айни пайтда мутахассислар рекламанинг ижобий томонларини ҳам қайд этади. Бу, биринчи навбатда, ижтимоий рекламага тегишли. Бу турдаги рекламада тижорат мақсади бўлмайди, бирор маҳсулотга қизиқтириш, бозорларда харидорлигини кучайтиришга хизмат қилмайди. Ижтимоий реклама орқали берилётган маълумотлар хайрли ишлар ва жамиятдаги бошқа фойдали мақсадлар рўёбига қаратилган бўлади. Унинг асосий мақсади — одамларга ижобий таъсир кўрсатиш, хулқи ва эътиқодини яхши томонга ўзгартириш, шунингдек, тарғибот орқали давлат ва халқ манфаатларини таъминлашга йўналтирилади. Шу билан бирга, болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий ривожланиши, шахс сифатида шаклланишига ёрдам беради. Кишилар эътиборини муҳим ижтимоий муаммоларга

қаратиб, шу орқали уларни ҳал этишда фаол бўлишга ундайди. Унинг туб моҳияти жамият ҳаётининг муҳим омиллари билан боғлиқ муаммоларни жамоатчилик билан биргаликда ҳал этишдан иборат. Хусусан, экология, коррупция, гиёҳ-вандлик, камбағаллик, ишсизлик каби муаммолар шулар жумласидан. Глобал вазифаси эса миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижобий тамойиллар кўмағида одамларнинг ахлоқи ва ички ишончи яхши томонга ўзгартиришга таъсир кўрсатишдан иборат.

Нотўғри тарғибот даромад эмас, жарима келтиради

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси рекламанинг айлангани соҳасидаги ваколатли давлат органи саналади. Мазкур қўмита ва ҳудудий органлари мунтазам текширув ва таҳлил ўтказиб боради. Бу борада қонун бузилиши аниқланган ҳолларда молиявий ва маъмурий жазо чоралари қўллаб келинмоқда. Қўмита сайтида бу борада мунтазам маълумотларни эълон қилиб боради. "Реклама тўғрисида"ги қонун бузилиши ҳолати деярли барча соҳага тегишли. Бундай катта қўламдаги рекламалар оқимини тўла-тўқис назорат ва таҳлил қилиш жуда мушкул, албатта. Айниқса, телеканалларда. Амалдаги қонунчиликка кўра, болалар учун (14 ёшгача бўлганларга мўлжалланган) кўрсатув (эшиттиришларда) реклама тақиқланган. Шунга қарамай, қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган. Жумладан, вилоятлардаги турли телеканалларда мультфильмлар оралиғида реклама жойлаштирилган ҳолатлар қайд этилган.

Хорижий ОАВда реклама билан боғлиқ муаммолар, жумладан, реклама берувчи ва фойдаланувчилар ўртасидаги баҳс, ҳатто судлашув жараёни ва натижалари ҳақида маълумотлар бериб борилади. Бунга оид айрим мисолларни келтириб ўтиш мавзунини янада чуқурроқ англашга ижобий таъсир кўрсатади деб ўйлаймиз.

Бир неча йил аввал хориж компанияларидан бири ишлаб чиқарган янги шоколад пасталаридан бири нонушта учун фойдали маҳсулот тарзида реклама қилинган. Рекламадан сўнг бу маҳсулотни фарзандлари, неваралари учун харид қилган ота-оналар кейинчалик маҳсулот таркибидидаги қўшимчалар (хусусан, шакар миқдори) ёрлиғида кўрсатилмагани ва умман фойдали эмаслигини тўлиқ англамагани учун судга берган.

GAZETA DАGI МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

